Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 22-iyun, shanba № 75 (3268)

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати

Ватанимиз Мустақиллигининг илк кунлариданоқ ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнда болаларнинг ёзги соғломлаштириш ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.



«ҚУЁШЛИ»ДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРОМГОҲИ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси» болаларни соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштириш ҳамда болалар оромгоҳларининг фаолият йўналишларини шаклан ва мазмунан бойитиш имконини берди. Мазкур дастурий ҳужжат бу борадаги ишлар сифатини янги босқичга кўтариш билан бирга ўғил-қизларни соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини ҳам кенгайтирди.

Ушбу масъулиятли жараёнда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариб, саломатлигини мустаҳкамлаши борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, жорий йилда ҳам Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилди. Ушбу оромгоҳда мавсумнинг 1- ва 2-навбатларида 522 нафар иқтидорли ўғил-қиз касаба уюшмалари томонидан бепул соғломлаштирилади. Айни кунда оромгоҳ Республика миқёсидаги «Билимлар беллашуви» ҳамда фан олимпиадалари ғолиблари бўлган 262 нафар иқтидорли ўғил-қизни ўз қучоғига олган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, оромгоҳда 30 нафар жисмоний имконияти чекланган бола ҳам имтиёзли ҳордиқ чиқармоқда.

19 июн куни ушбу оромгоҳ 1-навбатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, таниқли олимлар, устоз ва мураббийлар иштирок этдилар.

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи очилишида иштирок этган касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, фан арбоблари мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор, ўқувчиларнинг етарли билим олиш билан бирга мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида алоҳида тўхталдилар.

(Давоми 2-саҳифада).

Кулгуларинг тутсин оламни

Бола кўнгли нозик, арзимаган нарсадан қувониб, ҳайратга тушиши мумкин. Айни кунларда Наманган вилоятида фаолият юритаётган оромгоҳларга ташриф буюриб, шундай туйғуни туюшингиз тайин. Дам олиш масканларида фаолият ўзига хос тарзда ташкил этилиб, эртамиз эгаларининг бўш вақтидан унумли фойдаланишга эришилмоқда. Ҳар бир талбир, учрашув, аввало, бола онгини шакллантириш, ундаги ижтимоий мақсадларни мустаҳкамлашга йўналтирилаётгани билан аҳамиятли. Зеро, бугунги кун болалар оромгоҳлари ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий-интеллектуал ривожлантириш масканларига айланди.

«Ҳумо» қўнган маскан

«Ҳумо» оромгоҳи Уйчи туманида жойлашган бўлиб, болажонларнинг севимли ва қадрдон масканига айланиб улгурган. Оромгоҳ раҳбари Абдураҳмон Насруллаев бошчилигида муассасада фаолият яхши ташкиллаштирилмоқда.

— Мавсум олдидан ётоқхоналаримизнинг том қисмига 7,7 млн. сўм маблағ сарфланиб, тўла таъмирдан чиқарилди, — маълумот беради А.Насруллаев. — Ётоқхоналар ва бошқа хизмат кўрсатувчи хоналарнинг ички ва ташқи қисмлари жорий таъмирланди. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар янгиланди. Биринчи мавсумда 200 нафар бола дам олмоқда. Насиб этса, уч сменада 660 нафар кичкинтойга хизмат кўрсатишни мақсад қилганмиз.

АСМ ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги оромгоҳда айни пайтда 34 нафар ходим хизмат қилмоқда. Уларнинг фидойилиги ва жонкуярлиги хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Хусусан, туман ДСЭНМдан бириктирилган вакил Матлуба опа Тўхтабоеванинг хатти-ҳаракатларини кузатиб ўзимизга ҳам нимадир олгандек бўлдик. Юрган йўлида ошиқча кўринган нарса борки йиғиб-териб юришни ўзи ҳам канда қилмайди, болаларга ҳам шуни ўргатмоқда. Бир қарасангиз, болалар майдончасида улар билан ўйинлар ўйнайди, ўша ҳолатда ҳам қайси бола нима иш қилаётганини кузата олади. Фавворача томон югуриб кетаётган шўҳгина бир болакайга кўзи тушди-ю, «Қайнатилган сув ошхона олдида!» дея танбеҳ берди.

— 12 йилдирки, ёзни болалар оромгоҳида ўтказаман. Улар орасида ўзим ҳам болага айланиб қолгандек бўламан, — дейди Матлуба опа. — Асосий ишим масъулиятидан ортиб, улар билан кўпроқ бирга бўлиш, руҳиятларини кўтаришга ҳаракат қиламан. Ота-онаси умид ва ишонч билан жўнатган болаларга жавобгарлик ҳисси ҳар қандай инсонни фидойига айлантириши табиий.

Оромгоҳда яратилган шароит болажонлар учун жуда маъқул келганига ишонч ҳосил қилдик.

— Ҳар биримиз қизиқишимиз бўйича машғулотларга қатнамоқдамиз. Мен кўпинча кутубхонада бўлиб, қизиқарли китоблар ўқимоқдаман. Бу ерда 2600 та турли китоб, газета ва журналлар бор, — дейди дам олувчилар номидан Ойдина Мухторова.

Ойдинахон Чортоқ туманидаги 43-мактабда таҳсил олади. Ота-онаси Чортоқ туман ободонлаштириш бошқармасида хизмат қилишаркан. Касаба уюшмаси томонидан яратилган имтиёзлардан фойдаланиб, улар Ойдинани икки йил кетма-кет Косонсой туманидаги «Олмазор» оромгоҳига юборишган экан. Жорий йилда эса «Ҳумо» бағрида ҳордиқ чиқараётган қизалоқ: «Кейинги йил ҳам «Ҳумо»га жўнатишларини илтимос қиламан», дейди.

Оромгоҳга «Баркамол авлод» болалар марказидан келган мутахассислар дам олувчиларни пазандалик, тасвирий санъат, тўқувчилик, журналистика ва нотиқлик, рақс ва фолклор, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, сайёҳлик, инглиз тили каби саккиз йўналишдаги тўгаракларга жалб қилишган.

(Давоми 2-саҳифада).

ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ишини янада яхшилаш, нуфузини оширишга қаратилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Хоразм вилоят масъул ташкилотчиси томонидан уюштирилган танловнинг вилоят босқичига тақдим қилинган ҳужжатлар билан танишиб, жойларда иштирокчилар фаолиятини ўрганган ҳакамлар буни алоҳида эътироф этишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, аъзолик афзалликларини асослашни кучайтириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганини кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўрилганидан ҳам англаса бўлади.

Мақсад — фаолликни ошириш

— Бошланғич ташкилотлар фаолияти яна бир бор сарҳисоб қилиниб, ўзаро тажриба алмашилди, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши вилоят масъул ташкилотчиси Нигора Қутлимуродова. — Кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этган 11 та бошланғич ташкилот фаолияти чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, бошланғич касаба уюшма ташкилот фаолиятига оид ҳужжатлар, жамоа шартномаси ва унинг ижросини таъминлаш, ҳужжатларнинг номенклатура асосида юритилаётгани, маданий-маърифий, спорт тадбирлари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасидаги ишларга эътибор қаратилди.

Танлов натижаларига кўра, Қўшкўпир туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма ташкилоти биринчи ўринга муносиб деб топилди. Ушбу бошланғич ташкилот ўз атрофида 1800 га яқин аъзони бирлаштирган. Жамоа шартномаси асосида ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилмоқда.

— Яқинда касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 32 кишига моддий ёрдам кўрсатдик, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Кенжа Худойберганов. — «Спорт — саломатлик гарови» мавзуида мусобақалар уюштириб, барча иштирокчиларга спорт кийимлари олиб бердик. Меҳнат муҳофазасини кучайтириш, муносиб иш ва дам олиш шароити яратиш чораларини кўряпмиз. Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Қўшкўпир туман тиббиёт бирлашмаси, тасарруфдаги ҚВПлар, поликлиника замонавий қиёфа касб этиб, зарур тиббий ускуналар билан жиҳозланиши давом этмоқда. Ходимлар малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Кўрик-танловда Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Хива туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма ташкилотлари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

ҲАМКОРЛИК

Бухоро алоқа ва ишорат (сигнализация) масофаси идораси. Корхона бошлиғи хонасида йил бошидан буён жамоада яратилган иш ўринлари, янги қабул қилинган ходимларнинг фаолияти ва уч томонлама шартнома асосида ишга жалб этиладиган битирувчиларнинг тажрибали мутахассисларга бириктирилиши масаласи муҳокама қилинмоқда.

Ҳар бир битирувчи эътиборда

— Йил бошидан ҳозиргача ишга қабул қилинган уч нафар ходим — Ҳамида Ашурова, Людмила Никифорова ва Шамсиддин Остонов дастлабки синов муддатини муваффақиятли ўтащди, — деди касабақўм раиси А.Камолова. — Сўнгги уч йилда соҳага алоқадор олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларини битирганлардан 32 нафари сафимизга қўшилган эди. Корхонада бу йил амалиёт ўтаган яна 7 нафар ёш жамоамиз аъзоси бўлади.

295 нафар ходим меҳнат қилаётган жамоанинг Бухоро минтақавий темир йўл узели корхоналари ўртасида ўзига хос ўрни бор. Чунки темир йўл транспорти хизматини алоқа ва ишоратсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

(Давоми 2-саҳифада).

ЖАРАЁН

Самарадорликка эришиш учун

Аҳолининг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий муҳофазасини замон талаби даражасида ташкил этишда бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ўрни катта. Жумладан, Фарғона вилояти Фурқат туманида касаба уюшмаларининг қуйи бўғини томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишлар диққатга сазовор. Мухбиримиз Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фурқат туман кенгаши раиси Алижон Эрматов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Тумандаги бошланғич ташкилотларда ижобий ишлар амалга оширилаётгани маълум. Яқинда касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан уларнинг мураббийлари иштирокида ўтказилган «Устоз-шогирд учрашуви» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирда ҳам бу яққол кўзга ташланди...

— Устоз-шогирдлик тизими туманимизда қай даражада йўлга қўйилгани ушбу тадбир ва унда ташкил этилган кўргазмада акс этди, десам хато бўлмайди. Айтайлик, туманимизда яшовчи машҳур ўймакор, Ўзбекистон халқ устаси Муҳаммаджон Юнусов яратган ёғоч ўймакорлиги намуналарини нафақат юртимиз, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам учратасиз. Унинг «Уста Юсуфжон наққош» ёғоч ўймакорлиги устахонасида ҳозиргача 250 нафардан зиёд шогирд тайёрланди. Айни пайтда устахона ҳузурида очилган наққошлик мактабида 70 нафардан зиёд ёш ҳунар ўрганмоқда. Устоз ўқитувчи Тўлқин Мирзаев, маданият ходими Тўхтахон Жўраева ва бошқа ўнлаб мураббийлар кўплаб шогирдларни камолга етказишган.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот муассасалари бирлашган касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди.

ҒОЛИБЛАР САРАЛАНМОҚДА

Беллашувнинг якуний натижаларига кўра, биринчи ўринга «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, иккинчи ўринга Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, учинчи ўринга Тарих институти бошланғич касаба уюшма ташкилотлари лойиқ топилди. Биринчи ўринга эгалик қилган «Физика-Қуёш» ИИЧБ бошланғич ташкилоти республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, ҳозирги кунда Фанлар академияси тасарруфидаги муассасаларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танлови ҳам юқори савияда ўтказилаяпти.

Н. МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятида уч юзта маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Йиғин раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти эътиборга лойиқ.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

«Энг намунали маслаҳатчи» кўрик-танловининг шаҳар ва туманлар босқичида 250 нафар маслаҳатчи фаол қатнашиб, улардан ўн уч нафари вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритган эди. Яқинда кўрик-танловнинг вилоят босқичи иштирокчилари билим ва маҳоратларини намойиш этишди.

Ҳайъат қарорига кўра Дўстлик туманидаги «Наврўз» шаҳарча фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зилола Юсупова ғолиб деб топилиб, республика босқичига йўлланма олди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

СУРХОНДАРЁ

Денов туман ҳокимлиги ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳамкорлигида Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Меҳнат сайли ярмаркаси» бўлиб ўтди.

МЕҲНАТ САЙЛИ

Унда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналаётган, ҳарбий хизматдан бўшатилган ҳамда тумандаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар иштирок этди.

— Меҳнат сайлида тумандаги барча ташкилот ва муассасалар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, маҳалла фуқаролар йиғинлари, касаначи ва тадбиркорлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Натижада, 631 та бўш иш ўрнига ёш мутахассислар билан меҳнат шартномалари имзоланди. Жорий йилда, яна 7 мингдан зиёд иш ўрни яратишни режалаштирганмиз, — дейди туман ҳокими Баҳром Маматқулов.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

"Ishonch"— Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2013-yil 22-iyun № 75 (3268)

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Оромгоҳимизнинг 1-навбатида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида имтиёзли йўлланма билан таъминланган иқтидорли ўғил-қизлар ҳордиқ чиқаришмоқда, — дейди «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов. — «Қуёшли»да уларнинг жисмонан чиниқиши, маънавий камол топиши ва билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, бой китоб захирасига эга бўлган кутубхона, Интернет тармоғига уланган компютер хонаси, хореография зали, вокал хонаси, очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, ложувард сузиш ҳавзалари, қулай ва шинам ётоқхоналар, мазали таомларни муҳайё этувчи ошхона болажонлар хизматида. Улар учун махсус инглиз тили тўгараги ташкил этилган.

«ҚУЁШЛИ»ДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРОМГОҲИ ИШ БОШЛАДИ

Юқори педагогик маҳорати билан ёш авлод камолотига муносиб ҳисса қўшаётган энг яхши ўқитувчилар ҳам дам олиш баробарида ўқувчилар учун фанлар йўналишлари бўйича маҳорат дарслари, ижодий ўқув машғулотлари, викториналар, танловлар, мусобақа ва назм кечалари ўтказмоқдалар. Шунингдек, болажонлар таниқли фан арбоблари, олимлар, адабиёт намояндаларининг маҳорат дарсларидан бахраманд бўлишаётир.

Республика Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи очилишига бағишланган тантанали тадбирда ўғил-қизлар иштирокида «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати» деб номланган маданий-маърифий дастур намойиш этилди.

Тадбирга йиғилган болажонлар кўзида порлаган қувонч, улардаги теран фикр ва шижоат мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган улкан саъй-ҳаракатлар самарасидир. Зеро, жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга ўғил-қизлар буюк келажагимиз кафолатидир.

М.ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Асқар ЁҚУБОВ
(ЎзА) олган суратлар

Самарадорликка эришиш учун

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Бошланғич ташкилотлар фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Ҳозирда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши рўйхатида 78 та бошланғич ташкилот мавжуд, уларнинг сафига тўрт минг нафардан зиёд аъзо уюшган. Бу, албатта, катта куч.

Аввало, таъкидлаш жоиз, бошланғич ташкилотлар раҳбарлари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш мақсадида ҳозирга қадар уч марта ўқув семинари ва бошқа тадбирлар ўтказдик. Уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, пенсия таъминоти жамғармаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари мутахассислари, тажрибали касаба уюшма ходимлари қатнашди. Ишловчилар манфаатини қонун талаби асосида муҳофаза этишда қатор ишлар амалга оширилди. Бир мисол, ҳозирда тумандаги 9-,18-, 21-, 24-, 35-умумтаълим мактабларида ходимларга иш ҳақи учун ҳисобот тўлдирилганда, унда касаба уюшма котибининг имзоси бўлмаса, у ҳақиқий ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган. Касаба уюшма ташкилотларида доимий ўтказиладиган йиғилишларда жамоа ҳаётига оид жиддий масалалар қизғин муҳокама этилади ва тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси таъминланади.

— Касаба уюшмалари фаолиятининг самарадорлиги нималарда намоён бўлмоқда?

— Буни қуйидаги мисоллардан ҳам билиб олишингиз мумкин. Масалан, тумандаги 9-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилотида жамоа фаолиятини янада яхшилаш юзасидан «Обод турмуш йили» дастури ишлаб чиқилган. Унда касаба уюшмасининг бу борадаги иштироки аниқ белгилаб берилган. Таълим сифатини яхшилаш, жамоа аъзолари ва улар оилаларининг турмуши, маданий-маърифий интилишини юксалтириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёш фарзандлари бор оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш каби вазифалар акс этган.

Дастур асосида коллеж битирувчиси З.Собирова билан мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш борасида тегишли шартнома тузилган. 3 нафар ёш мутахассисга тажрибали устозлар бириктирилган. Дастурга мувофиқ доимий ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да касаба уюшма аъзоларига мамлакатимизда кечаётган бунёдкорлик ишлари, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятига оид янгиликлар ва бошқа масалалар юзасидан тегишли маълумотлар етказилмоқда.

21-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилотида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга сазовор. Бу ерда кам таъминланган оилалар фарзанди бўлган 20 нафар қизга спорт кийимлари олиб берилди. Туман ва мактаб миқёсида ўтказиладиган турли спорт мусобақаларида ўқувчиларнинг муваффақиятли иштирок этиши учун барча шароит яратилган. 35-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилоти эса ўқитувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун дам олиш хонаси барпо этди. Бошланғич ташкилотлар молиявий имкониятининг ошиб бораётгани ҳам бундай ижобий ўзгаришларга омил бўлаётганини таъкидлаш лозим. Бу эса касаба уюшмаларининг кенг кўламда фойдали иш олиб боришига хизмат қилмоқда.

Суҳбатдош:
А.ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар бир битирувчи эътиборда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жадал ривожланаётган соҳада эътиборсизлик, уқувсизликка ўрин йўқ. Ҳар бир иш — хоҳ у бошқарув марказида, хоҳ бекат ёки тепловозда, темир йўлнинг қай бир участкасида бўлмасин, қайси фасл ёки об-ҳаводан қатъи назар кеча-кундуз ҳушёрлик ва аниқлик, малака ва тажрибани талаб қилади. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда корхона алоқачи ва мутахассислари Бухоро вилоятидаги темир йўлларда тўлиқ ҳамда Навоий вилоятининг бир қисм ҳудудларида намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ходимлар малакаси ва ёшлар салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратган. Жумладан, ўтган йили 22 нафар, жорий йилнинг дастлабки беш ойида эса 7 нафар ходим Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти қошидаги малака ошириш маркази ва пойтахтдаги соҳага дахлдор бир қатор олий ўқув юртларининг қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олиб қайтди.

Ишга қабул қилинаётган ёш мутахассисларнинг деярли барчасини Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабалари, Тошкент ва Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

Шамшод Раҳимов:

— Ўтган йили Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежини битириб, шу корхонага ишга қабул қилиндим. Устозим, 30 йиллик тажрибага эга Юрий Кивгазовга шогирд тушиб, поездларда радиоалоқа монтёри вазифасида ишлаяпман.

Латиф Чориев:

— Тошкент темир йўл транспорти институтида телекоммуникация муҳандиси мутахассислигига эга бўлиб, бу ерга ишга келганимга бир йил тўлаяпти. Жамоада ўз ўрнимни топишимда устозим Рустам Абдиевнинг хизмати катта.

Азизбек Намозов:

— Самарқанд темир йўл касб-ҳунар коллежини битираяпман. Уч томонлама шартномага асосан амалиётни шу корхонада ўтадим. Жамоа аҳил ва ёшларга ғамхўр экан. Ўйлайманки, кейинги меҳнат фаолиятим янада самарали ва завқли ўтади.

Касабақўм раиси Алфия Камолова суҳбатимиз сўнгида таъкидлаганидек, ишчиларнинг, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жамоа шартномасида акс этган қатор афзалликлар жамоа истиқболи учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Суратда: назорат-ўлчов приборлари цехининг 35 йиллик иш тажрибасига эга катта электромеханиги Нина Витвитская шогирди, коллеж битирувчиси Саида Болтаева билан.

Муаллиф олган сурат.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Хавфсиз ва кафолатланган иш ўринлари ходим саломатлигининг гаровидир. Шу боис ҳар бир меҳнат жамоасида иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини бартараф этиш пайида бўлинади.

Хавфсизлик кафолати

Меҳнат муҳофазасига доир қонунлар ижросини таъминлаш, жамоа шартномалари орқали кафолатланган иш ўринлари яратилиши касаба уюшмаларининг назоратида. Айни дамда Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини назорат қилиб бориш учун 1131 нафар жамоатчилик вакиллари сайлаб қўйилган. Амалдаги йилнинг шу давригача улардан 750 нафардан зиёдининг меҳнат муҳофазасини таъминлаш доирасидаги ишларни ташкил этиш юзасидан билим ва маҳорати оширилди.

Улар ишлаб чиқаришдаги мавжуд ҳолатни муттасил ўрганиб, таҳлил этиб боришаяпти. Жумладан, ўтган фурсат меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ камчиликлар аниқланиб, иш берувчилар билан самарали ҳамкорлик боис уларнинг аксарияти бартараф этилди.

Вилоятдаги корхоналар билан тузилган қўшма тадбирлар режасига биноан 2093 та корхона, ташкилот, муассасада хизмат қилаётган 2380 нафар масъул ходим жалб этилган ҳолда ўқув-семинарлар ўтказилди. Тадбир иштирокчиларига меҳнат шароитини баҳолаш ва иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, зарарли омилларни бартараф этиш борасида тушунчалар берилди. Ишлаб чиқариш жамоаларида касаба уюшмалари томонидан мониторинг ўтказилиб, аниқланган 367 камчиликка чек қўйилди.

Меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан уч босқичли жамоат назорати йўлга қўйилгани боис ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар олди олинмоқда Айни чоғда ҳудуддаги 477 та корхонада ана шу тахлитдаги иш юритув ўз самарасини беряпти. Жамоатчилик назорати «Самарқанд марказгазтаъминот» унитар корхонаси, Электр тармоқлари корхонаси, Самарқанд темир йўл масофаси ва бошқа бир қатор корхоналарда ҳам яхши йўлга қўйилган.

Усмон КАРИМОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири

Кулгуларинг тутсин оламни



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Биз оромгоҳда бўлган пайтимиз Фавқулодда вазиятлар вилоят бошқармаси вакиллари «Ёш қутқарувчи» мусобақасини ташкиллаштиришаётган экан. Бир-биридан қизиқарли шартлар бўйича баҳслашган «Лочин» гуруҳи ФВБ мутахассислари томонидан тайёрланган «Оқ кабутар» жамоасига кичик ҳисобда ютқазиб қўйди. Мусобақа асосида болаларга яна бир бор жўшқинлик ҳисси, ғолиблик учун интилиш, мақсадни рўёбга чиқариш завқи улашилди.

Мусобақа пайтида ҳам оромгоҳ врачи Дилбар Дадабоева махсус тиббий анжомлар билан шай турди.

— Ҳар қандай пайт ва шароитда болажонлар соғлиғига жавобгармиз, — дейди у.

Дам олиш ҳудуди — бедарвоза эмас

Норин тумани Еттиқашқа ҚФЙ ҳудудида жойлашган «Норин» оромгоҳига қатъий текширув асосида кириб бордик. Болалар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги бу иш, очиғи, ҳавасимизни келтирди. Чунки болалар дам олиш ҳудуди бедарвоза маскан эмаски, хоҳлаган киши кириб-чиқаверса.

Дарвозадан ичкарига киришингиз билан ўзгача манзара кўз олдингизда намоён бўлади. Қуюқ дарахтзор бағридаги иншоотлар, спорт майдончаси ва павильон болажонларга тўла.

Мазкур оромгоҳда ҳам Фавқулодда вазиятлар вилоят бошқармасидан келган мутахассислар болажонларга муайян ҳолатларда қутқарув чора-тадбирлари ҳақида тушунча бериб, саҳналаштирилган қутқариш ишларини кўрсатишаётганига кўзимиз тушди.

Шундан сўнг мавсумнинг очилиш маросимига якуний тайёргарлик жараёнига гувоҳ бўлдик ҳамда махсус томошабин сифатида таклиф этилдик. Инглиз, рус ва ўзбек тилидаги шеъру қўшиқлар, болажонлар ёш хусусиятларига мос куй ва рақслар кайфиятни кўтариши табиий. Ҳар бир чиқишнинг жонли тарзда ижро этилиши айни муддао. Дам олувчиларнинг иқтидорини кўриб, уларнинг барчаси ихтисослашган мактаб ўқувчилари деган хулосага келдик. Аммо оромгоҳ бош етакчисининг болажонларнинг барчаси АСМ ходимлари касаба уюшмаси Норин тумани кенгаши аъзоларининг фарзандлари, айни пайтда оддий мактаб ўқувчилари эканини таъкидлашди.

Оромгоҳда 22 нафар ходим мунтазам равишда болажонлар билан шуғулланишади. Уларнинг саломатлиги тажрибали шифокор Маҳфуза Тўхтамуродованинг доимий назоратида. Ўғил-қизларга тўрт маҳал иссиқ овқат тайёрлаш эса бош ошпаз Иномжон Хусанов ҳамда ошпаз ёрдамчиси Одина Ўтанова зиммасида. Бу ерда футбол, волейбол майдонлари, стол тенниси, шахмат ва шашка тўгараклари, сузиш ҳавзаси болалар ихтиёрида. Уларнинг бўш вақтларини тўғри ва самарали ташкил этиш учун моҳир қўллар, рақс, инглиз тили тўгараклари, маънавият ва маърифат хонаси фаолият кўрсатмоқда. Оромгоҳда ёшлар маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтишга йўналтирилган маърифий кечалар, давра суҳбатлари ва фестиваллар мунтазам ўтказилмоқда. Кўрганларингиздан «бир оромгоҳ бўлса, шунчалик бўлар-да», деган хулосага келишингиз тайин.

«Муаллиф бироз муболаға қилмадимикан?» дея хаёл қилаётган бўлсангиз, шу тарафларга фарзандингизни жўнатиб кўринг. Оромгоҳ ҳақида эшитганларингиз фақатгина мақтов бўлади.

«Норин»даги иншоотлар ўта замонавий бўлмаслиги мумкин, аммо бу ерда ишловчиларнинг самарали фаолиятига алоҳида тўхталмаслик, эътироф этмаслик мумкин эмас. Чунки шароит ва имкониятлари аъло даражада бўлган жойда ҳамма ҳам ишлаши мумкин. Лекин йўқни бордан-да аъло кўрсатиб ишлай олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Уч кун ичида иқтидорларни аниқлаб, уларнинг қизиқиш ва ёш хусусиятларига кўра қайта кашф этиш учун педагогдан анчагина матонат ва маҳорат талаб этилади. Бугун вилоятдаги оромгоҳларда шундай фидойилар ишлаётганини кўриб, беихтиёр кўнгил хотиржам тортади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОН

Илм ва тафаккур шундай мўъжизаки, ундан юртимиз обод, ҳаётимиз чароғон, йўлимиз ойдин ва бехатар, хонадонларимиз эса файз-баракали бўлади. Шу боис халқимиз азалдан илм, маърифат аҳлини, айниқса, олимларни беҳад қадрлаган. Билаги зўр бирни, билими зўр мингни енгар, деб ишонишган. Мустақиллик илм аҳли учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Айниқса, илм йўлини ихтиёр этган олима аёлларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларнинг юрт тараққиёти йўлидаги эзгу фаолиятларини қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

АЁЛ — ВАТАН ЮЗИДАГИ НУР,

Бу хайрли ишда 1992 йилда ташкил этилган Республика хотин-қизлар «Олима» уюшмасининг алоҳида ўрни бор. Уюшманинг асосий мақсади — илмий даража ва унвонларга эга бўлган, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, миллий, экологик, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш йўлида илмий-тарбиявий фаолият билан шуғулланаётган, тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзлаб инсонпарварлик масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган аёлларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришдан иборат. Академик Сайёра Рашидова уюшманинг биринчи раиси сифатида олима аёлларнинг илмий салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор салмоқли ишларни амалга оширди. Унинг саъй-ҳаракати билан республика миқёсида илмий фаолият олиб бораётган иқтидорли аёлларнинг илмий изланишлари, ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, халқаро алоқалар ўрнатилди.

2009 йили уюшмага профессор Р.Муртазаева раис этиб сайланди. Унинг бевосита ташаббуси билан 2010 йилда республиканинг иқтидорли ёш олималари ўртасида «Илм юлдузлари» интеллектуал кўрик-танлови ташкил қилинди. Унда республикамизнинг барча олий ўқув юртларида таҳсил олаётган тадқиқотчи хотин-қизларнинг кашфиётлари эътироф этилиб, «Янги юлдузчалар»нинг ижодий изланишлари турли номинацияларда бўйича тақдирланди.

Мустақиллик аёллар ижтимоий фаоллигининг ошиши, иқтидорларини намоён қилиши, касбий камолотга эришиши учун шароит яратди ва шу туфайли уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги фаолияти ҳам муайян даражада кенгайди.

Бугунги кунда республикада 7 нафар академик аёл фан тараққиётининг турли соҳаларида илмий фаолият олиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлигида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 12 нафар олима фаолият кўрсатмоқда.

Академик аёлларимиз сони ҳам ошиб бораётир. Уларнинг илмий салоҳияти нафақат юртимизда, балки дунёда эътироф этилмоқда. ЎзФА академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Республика патологоанатомия маркази директори Малика Абдуллахўжаева, ЎзФА академиги, кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Дўстлик», «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси, «Кимё ва физика полимерлари» институти директори Сайёра Рашидова ана шундай юртимизнинг фидойи, оқила ва доно аёлларидан.

ЎзФА академиги, биология фанлари доктори, профессор Нина Александровна Власова эса ЎзФАнинг Генетика ва ўсимликларнинг экспериментал биологияси институтида фаолият олиб борган. Гидрокренинг ва узлуксиз гидролизация учун янги катализаторларнинг синтези ва каталитик жараёнларнинг тадқиқоти билан шуғулланган академик Муҳаббат Абидова 340 тадан ортиқ илмий иш ҳамда 156 та патент ва гувоҳнома муаллифидир.

ЎзФА академиги, биология фанлари доктори, профессор Машҳура Игамовна Мавлоний 560 та илмий иш, жумладан, 4 та монография, 41 та кашфиёт муаллифи сифатида Ўзбекистонда микробиология соҳасидаги ютуқларни Германия, Франция, Куба, Россия, Латвия, Чехия, Словакия, Украина, Беларус, Арманистон, Козоғистон каби мамлакатларда ўтказилган симпозиум ва конференциялардаги маърузаларида тақдим этган.

Кўплаб орден ва медаллар соҳибаси академик Раъно Убайдуллаеванинг илмий салоҳияти хорижда ҳам эътироф этилган. ЎзФА «Ижтимоий муаммолар ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги» илмий тадқиқот институтида бўлим бошлиғи, «Ижтимоий фикр» илмий маркази директори бўлган бу зукко олима ўзбек аёлининг нималарга қодирлигини амалда исботлади. У ЮНЕСКО МОСТ Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг раиси сифатида ҳам ўзининг иқтидорини намоён этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Анна Ивановна Глушенкованинг кимё соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари дунёга кўз-кўз қилгуликдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янги минг йиллик олималаримизнинг халқаро майдондаги нуфузининг ошишида муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда ўзбек аёли нафақат уй бекаси, балки илмий кашфиётлар, катта илмий асарлар муаллифи сифатида дунё олималари билан тенгма-тенг баҳслашаётир.

Техника фанлари доктори, профессор Х. Алимова Хитойдаги Сечуан тўқимачилик ва қоғоз технологияси университети, Россиядаги Иваново тўқимачилик институтининг «Фахрий профессори», шунингдек, Халқаро оилалар тинчлик учун ташкилотининг «Тинчлик, эркин эзгулик элчиси» (Посол Мира Доброй воли), Халқаро тўқимачилик академиясининг академиги фахрий унвонлари соҳибаси ҳамдир. У 300 га яқин илмий иш, жумладан, 5 та монография, 2 та дарслик, 24 та патент муаллифи, 4 та техника фанлари доктори, 9 та техника фанлари номзодини тайёрлаган.

ЮНЕСКО Бош Ассамблеяси томонидан 1998 йилда Лореал мукофотининг жорий этилиши ўзбек хотин-қизларига илмий салоҳиятини намоён қилишида янги имкониятлар яратди. Дилфуза Эгамбердиеванинг 2003-2006 йилларда Канада ва Японияда Халқаро Биокимё ва молекуляр биология уюшмасининг, 2003 йилда Испанияда Европа комиссиясининг «Ёш оли-

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Идоравий меъёрий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари нормаларини бевосита қўллаш билан боғлиқ қоидаларни ўзида намоён этади. Шу сабабли, улардаги нормаларнинг Конституциямиз ва қонунлар, мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, қонунчилик техникасига мувофиқлигини текшириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг мазкур ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш, манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибини бажариш бўйича ишларини назорат қилиш, мувофиқлаштириш лозим бўлади. Бу вазифа Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Қонун ижодкорлиги

доимий изланишни талаб этади

Ҳукумат қарори асосида Адлия вазирлигига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, уни қўллаш бўйича ишини назорат қилиш, тегишли идораларга ўн кун муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш ёки давлат рўйхатидан ўтмаган ҳужжатларни бекор қилиш, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомда вазирликнинг идоравий қонун ижодкорлиги соҳасидаги асосий вазифалари янада такомиллаштирилди.

Янги таҳрирда қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қонун ижодкорлиги соҳасида масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур қонунда мансабдор шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Адлия вазирлигининг яна бир муҳим вазифаси идораларнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятига услубий кўмак бериш ҳисобланади. Шу сабабли, вазирлик томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар қонун ҳужжатларига зид ёки уларда белгиланганидан бошқача қоидаларни ўз ичига олмаслиги лозимлиги белгиланган бўлса-да, айрим вазирлик ва идоралар фаолиятида бу қоидага тўла амал қилинмаяпти. Адлия вазирлигига тақдим этилган айрим лойиҳаларда қонун ҳужжатлари нормаларига зид қоидаларнинг мавжудлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш қоидаларига амал қилинмаслиги натижасида бундай ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилмоқда. Бу каби камчиликларнинг олдини олишда вазирлик ва идоларда юридик хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди. Тегишли мутахассислар томонидан идоравий қонун ижодкорлиги соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашда субъективликнинг олдини олиш, қонунчилик техникаси, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш услуби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартиби ҳақида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Мунира МУҲАММАДИЕВА,
ЎзМУ талабаси

Истиқболли соҳа ривожи

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан узумчиликни ривожлантириш, қайта ишлаш корхоналарининг хомашё базасини мустаҳкамлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида» матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда компания томонидан амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритилди.

Республикамизда аграр тармоқнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган мева-сабзавотчилик ва узумчилик йил сайин ривожланиб, аҳолини ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш билан бирга, қайта ишланган мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда. Соҳани ривожлантиришда саноат корхоналари ҳам фаол иштирок этишаётир. Асосий турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари ишчи-хизматчилар арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланаяпти, ортиқчаси эса ички бозорда сотилиб, қўшимча даромад олинаяпти.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан қайта ишлаш корхоналарининг технологик талабларига мос бўлган ноёб, саноатбоп навли токзорлар барпо этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини ошириш ҳамда соҳага инновация ғояларини татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Компаниянинг 123 та корхона ва ташкилоти тасарруфида 2011 йилда 2,9 минг гектар токзорлар бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 4,4 минг гектарни ташкил этди. Хомашё етказиб берувчи агрофирма ва фермер хўжаликлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Ҳозирда «Ўзвиносаноат холдинг» компанияси амалдаги ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш, замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида 4 та асосий йўналиш бўйича иш олиб бораётир.

Республика ҳукумати томонидан корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш жараёнларини жадаллаштиришга катта эътибор берилмоқда. 2006-2012 йилларда холдинг компанияси корхоналари томонидан ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига қурилиш, реконструкция ва модернизация бўйича 100 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. 2015 йилгача бўлган муддатда корхоналарни қуриш, реконструкциялаш ва модернизациялаш жараёнларини олиб бориш, бунда 135 млрд. сўм миқдордаги 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Натижада янги иш ўринлари пайдо бўлиб, ёш мутахассислар, коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш имкони яратилади.

Тадбир сўнггида «Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси раҳбарияти журналистларни маҳсулот тайёрлаш жараёни билан танишишга таклиф этди.

Сарвиноз ТЎХТАЕВА,
ЎзМУ талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Farg'ona mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг 20.06.2013 йилдаги буюртманомасига асосан, Қўқон шаҳар, Истанбул кўчаси, 23-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қуйилмоқда:

1. «Тико» русумли, давлат рақами 40N 209NAA, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда, **бошланғич баҳоси — 4 124 000 сўм.**

2. «Дамас» русумли, давлат рақами 40N 210 NAA, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, носоз ҳолда, **бошланғич баҳоси — 7 599 000 сўм.**

Аукцион савдолари 2013 йил 23 июл куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 19 июл соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талбгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоиз миқдордаги закалат пулини «Савдо ташкилотчиси» «FMM» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000704943063001. МФО: 00497, СТИР: 302134194. Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона ш, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 224-68-70. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 1177.

Хизматлар лицензияланган.

Қумқўрғон туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги жорий йилда 52 гектар ерда етиштирган ғалладан 250 тонна ҳосил олиб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарди. Пахтазорда барқ уриб ривожланаётган ғўза ҳам мўл ҳосилдан дарак бераётир. 101 киши иш билан таъминланган. Хўжалик чорва мажмуасида 450 қорамол, 510 бош наслдор бузоқ зооветеринария талаблари асосида парвариш қилинмоқда. Олинаётган сут хўжаликдаги цехда 6 турда қайта ишланмоқда. Хўжаликда ташкил қилинган 6 гектарлик интенсив боғда парваришланаётган олма кўчатларидан жорий йилда 100 тоннагача ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

Суратда: «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Раҳмиддин Шаропов.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов мавзуси: **«Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш».**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

- ёшларга эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

- истеъдодли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилишига шароит яратиш;

- ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;

- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, савияси паст «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат** фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов мавзуси: **«Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш».**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини ва самарали иштирокини таъминлаш;

- экотуризмни ривожлантириш;

- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;

- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларидан уй хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорликни юритишда кенг фойдаланиш;

- чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;

- биохилмахилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб турларини сақлашга кўмаклашиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш;

- табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июл соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.

ҚАЛБИДАГИ ҚУЁШДИР

ма», 2005 йилда UNESCO-MAB, 2006 йилда Францияда UNESCO LOKEALнинг «Олима аёл», АҚШ микробиология жамиятининг MORRISON ROGOSA мукофотлари билан тақдирланган. 2012 йилда Дилфуза қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кашфиёти учун Дунё Фанлар Академиясининг мукофот ва орденига сазовор бўлди.

Шунингдек, Б. Султонова, Н Мамадалиева каби олималаримизнинг илмий изланишлари халқаро журналларда чоп этилиб, нуфузли анжуманлардаги маърузалари хорижлик мутахассислар томонидан илиқ кутиб олинди.

Дилфуза Жабборова 2010-2011 йилларда ЮНЕСКО ва Хитой ҳукуматининг «Буюк Девор» халқаро стипендиялари бўйича Жанубий Хитой қишлоқ хўжалиги университетининг «Илдиз биологияси маркази»да илмий фаолият олиб борди. Илмий кашфиёти 2011 йилда Бутунжаҳон табиий фанлар форумида «Ёш олима» мукофотига сазовор бўлди. Унинг дунёнинг нуфузли журналларида, илмий тўпламларида чоп эттирган 35 дан ортиқ мақоласи ва 12 дан ортиқ халқаро анжуманлардаги маърузалари жаҳоннинг кўзга кўринган олимлари томонидан эътироф этилди.

Ёш олималарнинг илмий изланишлари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларга руҳий мадад бўлиб хизмат қилмоқда. 2008 йилда ТДТУ тадқиқотчиси Дилфуза Раҳматуллаеванинг нанотехнологияларни амалиётга жорий қилиш бўйича эришган ютуқлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси томонидан тақдирланди ва дунё олимлари томонидан эътироф этилди.

Биргина 2012 йилда ўтказилган V республика «Инновацион ғоялар ва технологик лойиҳалар» ярмаркасида 53 та бакалавр йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича ёш иқтидорли қизлар ўзларининг амалий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этиб, турли даражадаги совринларга сазовор бўлишди. Инновацион ғоялар нафақат табиий, балки ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида ҳам сезиларли даражада намоён бўлмоқда. Хусусан, Н. Абдураҳмонова 2010 йилда республика «Инновацион ғоялар ва технологик лойиҳалар» ярмаркасида «Кўзи ожизларнинг компютер саводхонлигини ошириш учун» яратган лойиҳаси совринли ўринга сазовор бўлди.

С. Ҳошимова «Истеъдод» ва «Ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар дастури» Давлат грантлари соҳибаси, «Илм сари илк қадам» давлат гранти совриндори, 2011, 2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ярмаркаси иштирокчисидир. У Халқаро Осиё таржимонлар ассоциацияси аъзоси, Пекин (2005, 2007, 2009), Шанхай (2006, 2007), Ланьчжоу (2007), Увей (2007) ва бошқа бир қатор халқаро илмий конференциялар иштирокчиси ҳамда ўзбек, рус, хитой, инглиз тиллари синхрон таржима мутахассисидир.

Уюшманинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бирламчи ташкилотлари фаолияти ҳам сўнгги йилларда бирмунча тараққий этди. «Олима» уюшмасининг Тошкент шаҳар бўлими олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида илмий даражага эга бўлган олималар орасида иш олиб бормоқда. Пойтахт олималари турли соҳаларда ўзларининг илмий мактабларини яратиб, янги авлод вакилларига ўрнак бўлишмоқда. Хусусан, профессор Д.Ёрматова соя ўсимлигининг агротехникасини ўрганиш, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Х.Шайхова маънавий янгиланиш, ёшларнинг маънавий маданиятини ошириш, уларда ватан туйғусини шакллантириш, профессор Д. Нажмиддинова аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, Н. Содиқова ер коррозиясининг олдини олиш, профессор Ю. Тажибоева аёлларда бачадон раки касаллигининг профилактикаси, профессор Л.Алимхўжаева кўкрак бези саратонини даволаш бўйича ўзларининг илмий мактабларини яратдилар.

Уюшманинг Тошкент вилояти бўлими томонидан профессор Л.Ғафурованинг саъй-ҳаракати билан олималарнинг фандаги ютуқларини акс эттирувчи кўргазма, ихтирочиликни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида халқаро Женева интеллектуал мулк муҳофазаси академиясида масофавий ўқиш учун махсус курслар ташкил этилди, 20 нафар хотин-қизлар «Интеллектуал мулк асослари» мавзуида икки ойлик ўқишни тугатиб, Халқаро сертификатга эга бўлди.

Бухоро вилоятида 10 нафар фан доктори, 126 нафар фан номзоди томонидан 23 та дарслик, 78 та монография, 95 та ўқув қўлланмаси тайёрланди. Улар фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар. Жиззах вилоятида 3 та фан доктори ва 27 та фан номзоди бўлган олималар фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб боришмоқда. Уюшманинг саъй-ҳаракатлари билан вилоятда ёш қизларнинг илмий салоҳиятини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шу боис, кейинги уч йилда қизларнинг олий ўқув юртига ўқишга кириши 13 фоиздан 26 фоизга етди.

Қашқадарё вилояти «Олима» аёлларнинг сафи истиқлолгача 19 нафар бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 60 нафардан ошди. Вилоят олималари томонидан яратилган 3 та дарслик тендерда ғолиб бўлиб, умумтаълим мактабларида ўқитилмоқда. Шунингдек, олималар томонидан 700 дан ортиқ методик қўлланма ва оммабоп мақолалар ёзилди. 1997 йилда Европа Иттифоқининг Тасис дастури бўйича «Аёл ва демократия» илмий лойиҳасида Англиянинг Лондон шаҳрида 2 та олима қатнашди ва Темпус дастури доирасида «Ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш» мавзуидаги тадқиқот лойиҳасига сазовор бўлди. «Қашқадарё олималари» номли очерклар тўплами нашр қилинди.

Хоразм вилоятида 2002 йилда 51 нафар аёл фан номзоди илмий даражасига эга бўлган. 2012 йилда вилоятда 5 нафар фан доктори, 67 та фан номзоди илмий ижодий фаолият олиб борди.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар нафақат ўз оиласи, балки жамиятнинг ҳам кўркидир. Агар аёл олима бўлса-чи? Унда бу нисбат янада ортиб, унинг маърифат ва маънавияти зиёсидан элга наф, юртга шуҳрат оқиб келаверади. Зеро, доно ва билимдон аёл миллат юзидаги нур, қалбидаги қуёшдир.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Чинобод санаторийси» ОАЖ жамоаси бош ҳамшира Нодира Аҳмедовага падари бузруквори

ЗУҲРИДДИН отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ishonch
2013-yil 22-iyun № 75 (3268)

ТАРАДДУД

Саҳнада қалблар куйлайди

Самарқандда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, ўн олти йилдан бери дунё мумтоз санъати ва қўшиқчилиги анъаналарини қалбларга жойлаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этишни дилга тукканлар яна кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарга талпинмоқда. Қадим-қадимдан ҳам бу диёрга интиқ бўлиб яшаганлар. Бундан ўн бир аср муқаддам араб табиатшуноси Истахрий шундай битиклар қолдирган: «Самарқанд сўғди, биз таърифлаган жойларнинг энг ёқимлисидир. Бу ер Оллоҳнинг энг ҳосилдор ўлкасидир, ундаги дарахт ва мевалар энг аълодир. Ер юзида бошқа бундай иқлими ёқимли ва аъло бўлган жой йўқ».

Йиллар, асрлар ўтар, келажак авлод, дунё халқларининг миллий мусиқа санъати ва қўшиқчилиги анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириб, уларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликдан илҳомланиб яшашга ундаётган юрт ҳақида ғурур ва фахрга тўлиб сўзлашлари, шубҳасиз. Тўғри, дунёда мусиқа санъатига доир тадбирлар кўп. Аммо уларнинг ҳеч бири «Шарқ тароналари» билан тенглашолмайди.

Регистондаги катта саҳнада қалблар куйлайди, юрак оҳангларига жўр бўлган созлар жаранглайди.

Бундан ўн олти йил муқаддам биринчи фестивалда дунёнинг 31 давлатидан санъат намояндалари иштирок этган бўлса, саккизинчи халқаро мусиқа фестивалида 56 мамлакат вакиллари қатнашдилар. Бу йил эса олтмишдан ошиқ давлатдан меҳмон кутилаётир. Бағрикенг халқимиз меҳмоннавозлигига кимлар тан бермаган дейсиз!

Санъат анжумани муносабати билан Самарқанд янада чирой очиб бормоқда. Ўтган икки йилда шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ақлни шоширади. Шаҳар дарвозалари бўлмиш темир йўл вокзали ва аэропорт аллақачоноқ ҳавас қилса арзугилик шаклга кирган. Учқур «Афросиёб» беминнат дастёрга айланиб улгурди. Мана бир неча йилдирки, темир қанотли поезд узоқни яқин қилиб келаяпти. Даҳбед, Панжкент кўчаларидаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари ҳам адоғига етай деб қолди.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар таърифу тавсифга сиғмайди. Бу ҳақда, яхшиси, меҳмонлардан эшитайлик.

— Самарқандда биринчи бор бўлишим, — дейди россиялик меҳмон Сергей Малахов. — Шаҳарнинг ўтмиш ва келажакка кўприк эканлигини ўз кўзим билан кўрдим. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиладиган Регистон майдонини «Ойнаи жаҳон» орқали кўргандим. Аслида бу мафтункор обидалар халқингизнинг буюк ўтмишидан бир садо. Ўзим мусиқа ва қўшиқ шинавандасиман. Гармон чалиб қўшиқ айтиб тураман. Шу боис ҳам бу фестивалга қизиқишим катта. Гарчанд унда иштирок этиш менга насиб этмаган бўлса-да, мириқиб томоша қиламан. Зеро, санъатга таржимоннинг кераги йўқ. Унинг миллати ҳам, тили ҳам бир, мақсади — эзгулик.

Бугунги кунда Регистон майдонида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Асосий тантаналар бўлиб ўтадиган саҳна ва амфитеатр тахт қилиниб, катта фонда фестивал мазмун-моҳияти, Обод турмуш йилига монанд ёрқин ранглар билан безатилмоқда. Тантанали очилиш, оммавий саҳналар иштирокчиларининг чиқишлари назардан ўтказилмоқда. Фестивалда қатнашувчи фолклор жамоалари сараланиб, ижодий тараддуд бошлаб юборилган.

Шунингдек, Регистон ансамблидаги Мирзо Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларида анжуман доирасида зиёлилар, санъатшунос мутахассислар, ёш ижодкорлар иштирокида азалий мусиқа меросига доир фикрлашув, учрашув ва анжуманлар ташкил этилади. Шаҳардаги истироҳат боғларида, туман марказларида концерт дастурлари ташкил этиш, учрашувлар ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳар доим бўлиб келганидек, муаззам Самарқанд халқаро анжуманга қизғин тараддуд кўриш баробарида, дунёга яна бир карра абадий ва ҳамиша навқиронлигини кўз-кўз қилишга, эзгу ниятли турли миллат, элат вакилларини қабул қилишга шайланмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Бир ойча чет эл сафарида бўлиб қайтган танишимни саволга тутиб, америкалик аёлларнинг ҳаёти билан қизиқдим:
— Биз яшаган хонадон эгаси бадавлат киши эди, — дея гап бошлади у. — Лекин аёли тиниб-тинчимасди. Турли нарсалар тўқир, тайёр бўлгач, бозорга олиб чиқиб сотарди. «Рўзғорингиз бадастир, ҳамма нарсангиз бор. Нега кўп ишлайсиз? Бозорга ҳам чиқасиз, пулга муҳтож эмассиз-ку?!», деб сўрадим бир куни. «Мен бу ишларни пул топиш учун қилаётганим йўқ, ҳунарим билан бошқаларни ҳайрон қолдирсам, бозордагилар суюниб сотиб олишса, ўзим ҳам завқланаман. Ана шунда бекорга яшамаётганимни ҳис этиб, дилдан қувонаман», деди у.

Юрт тақдирига тақдири туташ

Танишимнинг ҳикоясидан таъсирланиб, ўзимизнинг аёллар ҳақида ўйладим ва улар кўп жиҳатдан чет эллик дугоналаридан қолишмасликларини ва қайси бир жиҳатлари билан ҳатто улардан-да устун эканликларини фаҳмладим. Ҳам оиласи, ҳам жамиятнинг юкига елка тутиб яшаётган пишиқ-пухта, доно ва куюнчак аёлларимизнинг таърифу тавсифига сўз етмайди. Бугунги аёл гўзаллиги билан оламга кўрк беради. Меҳри билан қалбларни безайди, бармоқлари учидан мўъжиза яралади, истаса тош устида гул ундиришга қодир, бекалик санъатини кўз-кўзлаб хонадонига қут-барака олиб киради. Жонкуярлиги туфайли маҳалласи ва юрти тақдирига аралашади, илму ҳунари билан давлат тараққиётига ҳисса қўшади.

— Маҳаллаларга борсангиз, ҳовлилардаги ўриндиқларда қатор тизилишиб, бекор ўтирадиган аёлларни учратмайсиз. Негаки, бугунги аёл ҳар дақиқа вақтни қадрлаб, ўз кучи ва имкониятини фойдали ишга сарфлаяпти, — дейди Республика «Оила» илмий-амалий марказининг етакчи мутахассиси Дилором Муродова. — Нуфузли анжуман ва кўргазмаларда юртимизнинг чекка қишлоқларидан келган ҳунарманд аёллар бежирим маҳсулотлари билан хорижлик меҳмонларни ҳайратга солишяпти.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги Бойқўрғон маҳалласига борганимда суҳбатдошим Дилором Муродова ҳақ эканлигига амин бўлдим. Бу маҳалла аёлларининг аксарияти ишбилармон, тадбиркор, хуллас, яратувчанлик ишларида фаол.

— Аёлларимиз бу кун «қизимни эртароқ узатай, ўғлимни тезроқ уйлаб, келиннинг роҳатини кўрай», деган фикрдан йироқ. Бунинг ўрнига фарзандларининг илм олиб ҳунарли бўлиши учун жон куйдиришмоқда, — дейди тажрибали педагог Гулистон Жонибекова. — Маҳалламизда оилавий ҳунармандлар кўп. Хуллас, юрт ободлигида, оилалар аҳиллиги ва ўғил-қизлар камолида аёлнинг етакчи бўлаётганини алоҳида таъкидлашим жоиз.

Юрт ва кўнгил ободлигини бир-биридан айро тасвирлаб бўлмайди. Негаки, юртнинг озодлиги ва ободлиги кўнгилларга куч-қувват бағишлаб, маънавиятни юксалтиради, кишиларни уйғоқликка чорлайди, гуллаб-яшнаётган ўлкага муносиб бўлмоқликка ундайди. Кўнгил ободлиги эса хотиржамликни таъминлайди.

Бу кун аёллар номи билан юритилаётган юзлаб-минглаб корхоналар, фирмалар ва аёллар етакчи бўлган кўплаб идора ҳамда ташкилотлар юртимизда аёл шахсига ҳурмату иззат юқори эканлигидан далолат беради. Истиқлол шарофатидан эндиликда аёл барча ҳуқуқ ва имтиёзларга эга, оиласи юмушлари ҳамда фарзанд тарбиясидан ортиб, жамоа ишларига бош қўшиши учун жамики шарт-шароитлар яратилган. Яратувчилик ишлари, ҳунари ва илми туфайли эл ичида иззату обрў топаётган, ҳукуматимиз томонидан эъзозланиб мукофотлар олаётган кўплаб аёлларимиз борки, уларга ҳавас қилсак, улар билан фахрлансак арзийди.

Бугунги аёл оиласи тақдирини юрт тақдирига дахлдор деб билади, фарзандларини Ватан хизматига яроқли қилиб тарбиялашни истайди, ўз иқтидору талантини, меҳри ва садоқатини, фидойилик ва шижоатини фарзандлари камол топаётган шу азиз юртга нисор этсам, дейди.

Ўзбек оналарининг ўғил-қизларига айтар сўзлари шундай:

Она юртинг тупроғини суймасанг,
Одам бўлиб эл ғамида куймасанг,
Юрт қувончин юрагингдан туймасанг,
Бу дунёда яшаганинг бекордур!

Шоирлар наздида ҳам аёлнинг фазилати нафақат унинг оналигида, балки ўғил-қизининг келажагини юрт келажаги билан муштарак деб билишидадир.

«Аёл илмли бўлса, миллат илмли бўлади», деган ҳикмат бор. Илму ҳунарнинг қадрига етадиган аёл фарзандларини ҳам бунга жалб этади, мустақил юрт келажаги илмли ва ҳунарманд ёшлар қўлида эканлигини теран тушунади, саъй-ҳаракатларини шу мақсадга йўналтиради. Зеро, оналар юрт тақдири учун куюнар эканлар, озод Ватан янада гуллаб-яшнайверади!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётига кўплаб истеъдодли ижодкор ёшлар кириб келди. Кўпчилигининг китоблари эл назарига тушиб улгурди. Шундай қаламкашлардан бири шоира Гулбаҳорбегим Ортиқхўжаевадир.

Шеърдан иборатдир унинг дунёси

Гулбаҳорбегимнинг яқинда «Адолат» нашриётида чоп этилган «Ўзингизни авайланг» китоби шеърият шайдолари учун муносиб туҳфа бўлди. Тўпламни варақлар экансиз, ундаги самимий дил изҳорлари қалбингизни тўлқинлантириб юборади. Шоиранинг қалбида кечаётган ҳис-туйғулар беихтиёр китобхон онг-шуурини ўзига қаратиб олади. Шоира тўпламни «Фақат сен ҳақингда», «Айтилмаган гаплар», «Тушларимни тушунтириб бер», «Ўзингизни авайланг», «Бир кам дунё», «Янги ой» каби олти бўлимга ажратган. Ҳар биридаги шеърлар ўзига хос жилоси билан шеърият ихлосмандларининг қалбидан жой олади. Ҳар бир шеър дунё ва инсон, севги ва муҳаббат, вафодорлик, инсонийликни тараннум этади.

Китобни ўқир экансиз, шоиранинг кўплаб шеърларида унинг некбин қалб туғёнлари, юрак ҳарорати ёшлик жўшқинлиги билан уйғунлашиб ўқувчи қалбига кириб боради. Мунис оналар ҳақидаги сатрлари кишини беихтиёр тўлқинлантиради.

Шоиранинг шеърларида жимжимадор, баландпарвоз ибораларни учратмайсиз. Инсонни авайлаш, унга меҳрибонлик кўрсатиш олдинги ўринда туради. У севги-муҳаббат мавзуида ҳам ўтли сатрлар битади:

Сиз бахтли бўлсангиз, кетаман кулиб,
Бахтли бўлмасангиз, йиғлаб кетаман.
Кўнглимиз интилган манзилга
Сиздан ҳам аввалроқ етаман.

Шоира ҳаётдан ниманидир излаб топгандай бўлади. Кўнгил деб аталмиш хилқатнинг изтиробларини, тўлғонишларини ифода этади. У «Дилдаги гаплар» шеърида шундай дейди:

Ер қолиб осмонни севган юлдузман.
Шунинг учун умрим ташвишга тўла.
Сокин хаёлларни ёқтирган кузман,
Хазондек дардимни тўкдим бир йўла.

Шоира Гулбаҳорбегим Ортиқхўжаевага шеърият чўққисини забт этишида омад тилаймиз.

Рустам МАННОПОВ

Наманган давлат университети география ва экология асослари кафедраси қошидаги экомарказда ўнлаб талабалар илмий тадқиқотлар, илғор лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Уларнинг илмий-ижодий ишларини тўғри ва аниқ йўналтиришга университетнинг етакчи олим ва ўқитувчилари жалб этилган.

Суратда: Экомарказдан лавҳа.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

КЎНГИЛ ЧИГИЛИ

Донишманд халқимизнинг қуйидаги ҳикматли сўзларини эслар эканман, унинг нақадар тўғри эканига амин бўламан: «Пулингни йўқотсанг, ҳеч нарса йўқотмайсан, вақтингни йўқотсанг, кўп нарса йўқотасан, соғлигингни йўқотсанг, ҳамма нарсангни йўқотасан».

Сиҳат истасак...

Дарҳақиқат, саломатлик — бебаҳо бойлик. «Ҳар бир одам ўз-ўзига шифокор», деган эди тиббиёт отаси Гиппократ.

Эътибор берсак, билатуриб соғлиғимизга ўзимиз зарар етказарканмиз. Масалан, чекишни олайлик. Кўча-кўйда сигарета тутатаётганларни кўплаб учратамиз. Лекин лом-мим демаймиз. Аслида кўчада, жамоат жойларида чекиш маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, ўзимиздан катта ёшдаги ёки кексалар ҳузурида чекиш ҳам одобдан эмаслигини тушунмоғимиз жоиз. Айрим болакайларнинг чекишига нима дейсиз? Турли йиғинларда, меҳмонга борганда, нотаниш кишилар ва аёллар олдида сигарета чекиш ҳам ҳунук одат.

Баъзи ашаддий кашандалар ўзларини оқлаш ниятида узоқ яшаб, самарали ижод этган ва чекишни тарк этмаган машҳур кишилар ҳақида гапириб, «Фалончини жин ҳам урмаган-ку», деб қўядилар. Аммо бундай тақдир мингтадан биттага насиб этар, эҳтимол. Бу ҳақда машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой шундай деган эди: «Биз бу ички дунёси бой кишиларнинг гиёҳларнинг бошни гангитадиган таъсирига дучор бўлсалар-да, улкан ишларни бажарганликларидан шундай хулосага келамиз, агар уларнинг бошлари гангимаганда эди, бундан ҳам улкан ишларни амалга оширган бўлар эдилар».

Бир китобда ўқигандим, мутахассислар чекишнинг фойда-зиёнини чуқур таҳлил этишган. Жумладан, биологик жиҳатдан қараганда, асосан саратон ва томирлар склерози хасталиги билан чекиш ўртасида узвий боғлиқлик борлиги аниқланган. Чекувчининг «стажи» қанча кўп бўлса, у суткасига шунча кўп сигарет чекади ва натижада юқоридаги касалликларга чалиниш хавфи ортаверади.

Руҳий жиҳатдан никотин инсон хотирасининг асосий душмани бўлиб, у алкогол билан қўшилса, бундан баттарроқ ҳолат юзага келиши мумкин.

Гигиеник томондан чекадиганлар ўз организмидан ташқари, атроф-муҳитни ҳам заҳарлайдилар. Чекмайдиган кишилар соғлиги учун тамаки тутуни сузиб юрган хона чекадиганларга нисбатан хавфлироқ. Эстетик тарафдан эътибор берилса, ҳар бир чекувчидан қўланса ҳид анқиб туради. Чекувчиларнинг аксарияти бу бадбўй ҳидни сезмайди, чунки уларнинг ҳид билиш аъзолари шунга мослашиб бўлган. Атрофдагиларга тамаки ҳиди бир неча метр наридан сезилади. Бундан ташқари, чекувчининг чўнтагига ҳам зарар, у кунига 20 донадан сигарет чекса, бир ойда 30 қути бўлади. Ҳар қутининг нархини 2000 сўмдан ҳисобласак, ойига 60 минг сўм, йилига эса 720 000 сўм сарфланади.

Демак, кашанда ҳар йили чиройли костюм-шим, қуйлак ва туфлилар харид қилиши мумкин бўлган пулини ҳавога совуради ва боз устига талай касалликлар ҳам орттириш эҳтимоли йўқ эмас. Бундан кўра, 720 минг сўмга рўзғори, бола-чақаси учун турли неъматлар сотиб олгани яхши эмасми?!

Хулоса қилиб айтилса, чекишни ташлаган маъқул. Бу қўлингиздан келади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, ҳар қандай «стажли» чекувчи истаса, ундан қутула олади. Бунга қандай эришиш мумкин? Масалан, сигаретни эсдан чиқарувчи даврни енгиллаштириш мақсадида шифокор тавсияси билан махсус дорилар қабул қилиш мумкин. Бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш ҳам яхши восита.

ТАБИАТ ДАВОЛАЙДИ

Она табиатнинг бебаҳо неъматлари борки, уларнинг саломатлигимизга қўшадиган ҳиссаси бисёр. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида қариндошлар яшайди. Қурбонмурод исмли тоғамнинг ёши элликдан ошди. Қарийб 30 йилдан буён ҳайдовчилик қилади. Ўз касбини жон-дилидан яхши кўради. Ҳар хил русумдаги автоуловларни ҳайдади. Жумладан, бир неча йил «Каттақўрғон-Бухоро» йўналиши бўйича автобус бошқарди.

Бундан 20 йилча олдин Бухородан қайтишда (қиш кунларининг бирида) автобуси бузилиб йўлда қолади. Йўловчилар ҳар хил ўткинчи машиналарда ўз йўлларига кетишади. Ёрдамчи ҳайдовчи ҳам эҳтиёт қисмлар олиб келиш учун шаҳарга жўнайди. Аксига олиб, автобус бузилган жой аҳоли яшайдиган ҳудуддан анча узоқда экан. Тоғамиз машинани қўриқлаш ва унинг бузилган жойини очиб туриш учун шу ерда қолишга мажбур бўлади. Ёрдамчиси келгунга қадар бир сутка мобайнида совуқда қолиб кетади ва дард орттириб олади. Оёқларида кучли оғриқ пайдо бўлади. Натижада касалхоналарда узоқ даволанади. Гарчи, танасининг бир қанча аъзоси шифо топган бўлса-да, бироқ оёқлари тузалмади. У ҳасса таяниб юрадиган бўлиб қолди. Қарангки, «бекорчилик»да вақтни беҳуда ўтказмаслик учун ҳар хил табобатга оид китобларни ўқий туриб, уларнинг бирида бод касалининг бир турига петрушка даво эканини билиб олди. Шу кундан бошлаб, кунига уч маҳал овқатга ва сузмага (чакки) аралаштириб, петрушка ейишни одат қилди. Муолажанинг учинчи куниданоқ ижобий томонга ўзгариш сезилди. 15 кунда ҳассага эҳтиёж қолмади. 40 кун деганда, батамом соғайиб, иш фаолияти тикланди.

Айни чоғда тоғам уловини гуриллатиб ҳайдаб юрибди. Айтганча, петрушка истеъмол қилиш одатини ҳануз ташлагани йўқ. Қачон қараманг, машинаси ғаладонида 5-6 боғ петрушка бўлади. Ҳовлисига ҳам яшнатиб экиб қўйишибди. Йил давомида истеъмолдан ортганини бошқа турдаги кўкатлар қаторида бозорда сотиб, дурустгина даромад ҳам олишади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova
Navbatchi:
S.Abdurahmonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.20
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 611 | 19431 nusxada bosildi | 2345